Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 20 ноябрь, чоршанба • № 92 (10.867) • Эркин нархда сотилади

Дилдаги гаплар

НИМАИКИ ҚИЛСАК, ХАЛҚИМИЗ УЧУН

Мен бу гапни тўла ишонч билан, хўжалигимиз меҳнат аҳли фаолияти ва турмушини таҳлил этган ҳолда айтаяпман

Мана қаранг, бозор иқтисодиётининг илк босқичларида жуда кўплаб ишлаб чиқариш тизимлари қатори бизнинг «Оҳангарон» давлат хўжалигимиз ҳам муайян қийинчиликларга дуч келди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам, ишчи-хизматчиларга маош тўлашда ҳам муаммолар етарли эди. Аммо, аҳолимизнинг меҳнаткашлиги, сабр-тоқати, бозор муносабатларига тадбиркорлик нуқтаи назаридан кўника бориши туфайли аста-секин аҳволни ўзгартириб олдик. Айниқса, хўжалигимиз ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, ер-мулкка эгалик ҳисси ва ҳиссадорлик жамияти кўраётган фойдадан манфаатдорлик туйғуси меҳнаткашларимизни янада самаралироқ ишлашга ундади. Чорвачилик, ғаллачилик, сабзавотчиликда дуруст муваффақиятларга эриша бошладик. Илгари соф даромад у ёкда турсин, давлат берадиган қарзга кўз тикиб ўтирадиган хўжалик ҳозир ўзининг миллион-миллион сўмлик соф фойдасига эга. Агар ҳар йили ишлаб чиқаришдан олинаётган даромад ўртача ўн-ўн икки миллион сўмни ташкил этаётган бўлса, шунинг бир қисми соф фойда сифатида ўзимизда қолаяпти. Уларни асосан халқимиз турмушини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва шу каби муҳим ишларга сарфламоқдамиз. Масалан, хўжалигимиз ҳудудида яқинда 500 кичкинтойга мўлжалланган янги, замонавий боғча қуриб фойдаланишга топширилди. Бир қанча маҳаллалар тоза ичимлик сув билан таъминланди, кўплаб аҳоли пунктларидаги электр тармоқлари янги симлар билан алмаштирилди, замон талабига мос келадиган савдо дўконлари қурилди. Ҳозирги кунда эса ҳамма қишлоқларни радиолаштириш ва телефонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Янги телефон станциямиз замонавий аппаратлар билан жиҳозланди. Бу иш оҳирига етказилгач, бизнинг қишлоқдошларимиз ҳам ўз хонадонларидан туриб, дунёнинг исталган жойи билан телефон орқали боғланиш имкониятига эга бўладилар.

1993 йилнинг дастлабки ойларида хўжалигимиз худудига табиий газ келтирилган эди. Қорахитой, Ялпоқтепа, Ёнариқ аҳоли пунктларининг бир қисми газдан фойдалана бошлади. Келгуси йилнинг кўкламидан бошлаб эса мазкур қишлоқларнинг қолган қисми ҳам тўла газлаштирилади. Айни пайтда, Унгут, Оқтепа, Оқча аҳоли пунктларини ҳам газлаштириш кўзда тутилмоқда.

Мен ҳали халқимиз турмушини енгиллаштириш борасида қилинаётган кўпгина катта-кичик ишларга тўхталмадим. Меҳнаткашларимизнинг қўли билан бунёд этилаётган турли кичик корхоналар, тегирмонлар, тикув цехлари, жувозхоналар ва хашар йўли билан бунёд этилаётган бошқа қурилишлар ана шулар жумласидандир. Табиийки, биз нимаики қилаётган, нимаики қураётган бўлсак, у аввало, ўзимиз учун, шу ерлик аҳоли учун хизмат қилади. Шу боис биз мустақиллик берган эркинликдан, мустақиллик берган рағбатдан миннатдормиз. Беш йилдаки, шунча ўзгариш, шунча янгиланиш. Агар сабр-бардош, ишонч ва энг муҳими, ҳалол тадбиркорлик билан ишни давом эттирадиган бўлсак, яна ўн-ўн беш йилдан кейин бизнинг республикамиз қандай тараққиёт йўлига чиқишини тасаввур этиш қийин эмас. Демак, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган гапи тўла маънода асосли ва айни ҳақиқатдир.

Шунқор УМРЗОҚОВ,
«Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси.

Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига

ХАЛҚ ФАРЗАНДИНИНГ СИЙМОСИ

КУНИ КЕЧА Чирчиқ шаҳридаги 21-мактабда Тошкент вилояти педагогика ходимлари малакасини ошириш олийгоҳининг туркий тиллар ҳамда ижтимоий фанлар кафедралари Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ўзбек халқининг атоқли фарзанди ва давлат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказди.

ЙИҒИЛГАНЛАР Низомий номидаги педагогика олийгоҳи доценти, тарих фанлари номзоди С. Тўраевнинг «Файзулла Хўжаевнинг ҳаёт йўли», олийгоҳ кафедра мудири, тарих фанлари доктори Қ. Эргашевнинг «Файзулла Хўжаевнинг давлат арбоби сифатида Ўзбекистон мустақиллиги учун олиб борган кураши» мавзуларидаги маърузаларини тингладилар.

Ўқувчилар томонидан тайёрланиб, илмий-анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинган мусиқийбадиий чиқишларда Файзулла Хўжаевнинг ёрқин сиймоси гавдалантирилган саҳнавий кўринишлар ижро этилди. Шунингдек талабалар ижросидаги халқ қўшиқлари ва рақслари ҳам анжуман қатнашчиларини хушнуд этди.

Муҳаббат МАҚСУДОВА,
Тошкент вилояти педагогика ходимлари малакасини ошириш олийгоҳи «Ахборот ва тарғибот» бўлими услубчиси.

АРТУР ГРИГОРЯН — ЕНГИЛМАС!

Мамлакатимиз спорт юлдузларидан бири, таниқли боксчи Артур Григорян Германиянинг Гамбург шаҳрида жаҳон чемпиони унвони учун ўтказилган жангда америкалик 27 яшар спортчи Марти Якубовскийни мағлуб этди. Даъвогар шу чоққача 98 учрашув ўтказиб, 96 тасида ғалаба қозонган эди. Аммо 12 раунддан иборат бу учрашувда ҳакамлар очко ҳисоби бўйича ғолибликни Григорянга берди. Ватандошимиз жаҳон чемпиони юксак унвонига учинчи бор сазовор бўлди.

(ЎзА).

ТЕРИМ АГРЕГАТИНИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРИГА АЛМАШТИРДИЛАР

Чиноз туманидаги хўжаликларда пахта йиғим-терими кузги-қишки дала ишлари билан боғлаб олиб бориляпти.

«ЎЗБЕКИСТОН» жамоа хўжалиги яқинда 880 гектар майдондан 2376 тонна, «Эшонобод» жамоа хўжалиги эса 740 гектар ердан 2 минг тонна пахта топшириб, йиллик режани бажарган эди. Ҳозир эса ҳосили териб бўлинган майдонлар ғўзапоядан тозаланиб, шудгор қилишга киришилмоқда. «Эшонобод» жамоа хўжалигининг мавсумда 100-135 тоннадан пахта терган илғор механизаторлари И. Мамбетов, С. Саидазимов, Я. Мамахонов, С. Савкеев терим машиналарини ҳайдов тракторларига алмаштирдилар. Энди улар ўзлари пахта терган майдонларни совуқ кунлар тушгунга қадар чуқур қилиб шудгорлайдилар.

Орзиқул МАЪМУРОВ,
Омон НУРУШЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна давом этмоқда!

газетамиз нашр индекси: 64672

Обуна - 97

ҲОКИМНИНГ ЯХШИ ТАШАББУСИ

ШУ КУНЛАРДА ҳамма ерда бўлгани каби Чирчиқ шаҳрида ҳам газета ва журналларга обуна мавсуми қизғин давом этмоқда. «Халқ сўзи», «Народное слово», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» рўзномаларига ёзилиш яхши бормоқда. Биринчи бўлиб шаҳар ҳокими Д. Т. Азизхўжаевнинг ўзи мазкур газеталарга обуна бўлганлиги диққатга сазовордир. Раҳбарнинг бундай ташаббусини кўрган ҳоким муовинлари, бўлим мудирлари, корхоналар раҳбарлари ва ташкилотлар мутасаддилари бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар.

Жойларда 1997 йил матбуот нашрлари учун ёзилиш жараёнига ҳар ўн кунда якун ясалмоқда. Мавсумни 1 декабргача тугаллаш режалаштирилди.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Сизнинг газетангиз

Азиз муштарийлар!

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги матбуот тарқатиш бўлинмаларида барча газета ва журналлар қаторида «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Пойтахт вилоятимизда яшовчилар учун обуна баҳоси газетани уйга етказиб бериш билан ҳисоблаганда:

1 йилга — 940 СЎМ,
ярим йилга — 470 СЎМ,
уч ойга — 235 СЎМ.

Тошкент шаҳри аҳолиси учун:

бир йилга — 840 СЎМ,
ярим йилга — 420 СЎМ,
уч ойга — 210 сўм.

Абонент қутичалари бўлган тошкентликлар учун обуна баҳоси бундан ҳам арзонроқ:

бир йилга — 624 СЎМ,
ярим йилга — 312 СЎМ,
уч ойга —156 СЎМ,

Обуна — 97

ФАОЛЛИК

«ОҲАНГАРОНДОН» акционерлик жамияти ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янгиланиш ва ривожланиш сари бораётган корхоналардан бири ҳисобланади. Айни пайтда ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириш, аҳолининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини яхшироқ қондириш, тадбиркорликни кучайтириш бу ерда асосий иш мезонига айланган.

Корхона жамоасининг яна бир ибратли «фазилати» бор: улар ҳар йили вилоят ва республика газета-журналларига фаол обуна бўладилар. Ҳозирнинг ўзида кўплаб ишчи-хизматчилар ўзлари ёқтирган нашрларга обунани расмийлаштирдилар. Улар орасида келгуси йили «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам ўқиб боришни истаган юз нафар муштарий ҳам бор.

— «Тошкент ҳақиқати» газетасини жамоамизда қизиқиш билан кузатадиган, ҳар бир сонини интиқлик билан кутадиган мухлислар кам эмас, — дейди акционерлик жамиятининг кадрлар бўлими бошлиғи Рустам Нажмиддинов. — Имкониятларни ҳисобга олиб, бошқа газета-журналлар қатори «Тошкент ҳақиқати» газетаси обуначиларини янада кўпайтириш чораларини кўраяпмиз. Ўйлаймизки, бу газета келгуси йилда ҳам ҳаётимизнинг турли қирраларини қамраб олувчи қизиқарли чиқишлари билан муштарийларнинг дилидан жой олади.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

...ФЕРМА ЁНГА ҚОЛАДИ

«ҲАСАНБОЙ» жамоа хўжалиги чорвачилик фермасини 328 бош йирик қорамоллари билан бирга кимошди савдосига қўйди.

Шу куни биржада харидорлар кўп бўлди. Улар орасида хўжалик иқтисодчиси Ғофуржон Ёқубов ҳам бор эди. Нарх ошгандан ошиб, кимдир 4,5 миллион сўмни айтганда, зал сув қўйгандай жимиб қолди. Шунда Ғофуржон сўнгги нархга 170 минг сўм қўшганидан кейин тўқмоқ уч марта савдо тахтасига урилиб, ферма сотилганлиги эълон қилинди.

Ғофуржон фермага беш йил мобайнида қарзни тўлаб бориш шарти билан эгалик қилди.

Бу воқеа ўтган йилнинг август ойида содир бўлган эди. Ўтган бир йил ичида ферма таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Фермернинг қорамоллари қаторига яна юзта мол қўшилди. Йилнинг ўн ойи мобайнида ёғлилик даражаси тўрт фоиздан юқори бўлган сут сотилди. Ғофуржон фермага қарашли 77 гектар ернинг асосий қисмида беда, силос учун маккажўхори етиштириб, ҳосилни ўриб-саранжомлаб олди.

— Қарзимнинг деярли ярмидан қутулиб бўлдим, — дейди Ғофуржон Ёқубов. — Яна бирор йилдан сўнг қолган қарзни ҳам тўлаб бўлсам, ферма ёнга қолади.

Раҳим ҚОДИРОВ,
Тошкент тумани.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА, ЗИЁДАСИ БИЛАН

УЗУМ ВА МЕВА режаларини ошириб адо этган Зангиота тумани деҳқонлари сабзавот тайёрлаш режасини ҳам бажариш арафасида туришибди. Улар шу кунгача шаҳарликларга 27 минг тоннадан зиёд турли хил маҳсулот етказиб беришди. Куни кеча тумандаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги, Акмал Икромов номли ширкатлар уюшмаси ҳамда «Иттифоқ» жамоа хўжалиги аъзолари ҳам сабзавот тайёрлаш режасини ошириб адо этдилар. Шуниси эътиборлики, бу уч хўжаликда сабзавот турлари бўйича белгиланган режалар кўнгилдагидек адо этилди.

Нодир ҚОДИРОВ.

ЖАРРОҲЛИК БЎЛИМИ ОЧИЛАДИ

ВИЛОЯТ катталар ва болалар шифохонасининг моддий базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Ундаги мавжуд бўлимлар хорижий мамлакатлардан келтирилган энг замонавий, аниқ ташхис қўйишга кўмаклашадиган тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Яқинда бу ерда жарроҳлик бўлими ҳам очилади. Шу кунларда асосий бино билан ёнма-ён қад кўтараётган мазкур бўлимда пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

ЯҚИНДА Юқоричирчиқ туманининг Янгибозор қўрғонидаги Нуриддин Охун хусусий чойхонасига туман уруш ва меҳнат фахрийлари тўпланишди.

Туман ҳокимлиги, уруш ва меҳнат фахрийлари туман кенгаши, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Қизил ярим ой жамиятининг туман бўлимлари фахрийларни эъзозлаб дастурхон ёздилар. 35 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига совғалар топширилди. Туман маданият уйининг хушовоз хонандалари Суннат Исмоилов, Эркин Аҳмедовлар йиғилганларни дилрабо куй ва қўшиқлар билан хушнуд этишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ҚАЛАМКАШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Икки туман газеталарининг қўшма сони

Қибрай тумани меҳнаткашлари бўкаликларга пахта йиғим-теримида ҳамиша кўмак бериб келадилар. Бу ёрдамдан ҳамма хурсанд бўлмоқда. Икки туман қаламкашлари самарали ҳамкорликка бағишлаб қўшма сон чиқардилар. Қибрай туманининг «Давр овози» ва Бўканинг «Халқ овози» газеталарининг қўшма сони кўпчилик муштарийлар эътиборини тортди. Рўзноманинг биринчи-иккинчи саҳифаларида Қибрай тумани ҳокими М. Кучиевнинг «Пахтакорларга камарбастамиз», Бўка тумани ҳокими Р. Обидовнинг «Қўлимиз кўксимизда» сарлавҳали мақолалари, ёрдамчилар, уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ҳикоя қилувчи хабарлар ўрин олган. Шунингдек, қўшма сонда икки туман ижодкорларининг шеърлари, ҳикоя, қатра, шингил тасассумлари ва бошқа материалларини ҳам ўқиш мумкин.

Акбар УМИРОВ.

СЕН СИЙЛАСАНГ ДЕҲҚОННИ...

ЖАМОАНИ гуллатиб, яшнатиб, довруғини довон оширадиган, аксинча, уни йўқ қиладиган, одамларни ночор аҳволга туширириб қўядиган ҳам раҳбар, деб айтиш ўринлидир. Ахир, Президентимиз йиғинларда сўзга чиққанда, раҳбарнинг бурчи ва масъулияти ҳақида гап борганда, барака топкурлар, халқни ўйланглар, жон куйдиринглар, бунинг учун ўз ҳузур-ҳаловатларингиздан ҳам кечинглар, керак бўлса, деб қайта-қайта куюниб гапирадилар.

Ана шу ҳақда ўйлаб, мушоҳада қилар эканман, элим деб, юртим деб ёниб яшаган, хўжаликнинг шуҳратини оламга ёйган, энг муҳими, халқининг фаровонлиги йўлида астойдил қайишган раҳматли меҳнат қаҳрамони Абдужамил ака Матқобилов ёдга келади. Зотан, таниқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор уни «Дўрмон лочини» деб бежиз айтмаган эди.

Афсуски, Абдужамил акадан сўнг узоқ йиллар давомида хўжалик раҳбарга ёлчимади. Охир оқибат ўтган йилнинг январь ойида хўжаликка олий маълумотли мутахассис, туманда турли хил раҳбарлик лавозимларида ишлаган, сўнгги пайтда эса «Маданият» жамоа хўжалигига етакчилик қилаётган Акмал Назаров раис этиб сайланди.

— «Дўрмон» номи билан аталаётган бу жамоада қисқа вақт ичида анча-мунча ишлар қилинди, — дейди Қибрай тумани ҳокими Мирзамашраб Куччиев. — Бир бориб кўринглар-а, ўзларингиз баҳо берасизлар. Хўжалик сабзавот режасини ошириб бажарди. Салкам 4500 тонна маҳсулот топширди. Айниқса, ғалладан юқори ҳосил олинди. 310 гектар ердан 1200 тоннага яқин хирмон кўтарилди. Давлатга 620 тонна ўрнига 740 тонна сара дон сотди, қолганини эса заҳирага уруғликка олиб қўйдилар. Раиснинг айтишига қараганда, бу йил тўрт-беш миллион сўм соф даромад қилишмоқчи.

Лекин, Акмал ака бошқачароқ мулоҳаза юритди.

— Ҳозирча қўятурсанглар бўларди, ҳали ёзишга арзийдиган иш қилганимиз йўқ. Иннайкейин, мен ўзимдан олдинги ишлаган ҳамкасбларнинг меҳнатини камситган бўлиб чиқмай, тағин. Уларнинг ҳар бири ўз иқтидорига яраша астойдил ишлади, тер тўкди, ўзидан яхши излар қолдирди.

— Биз ҳам бу ҳақиқатни асло инкор қилмаган ҳолда ўзимиздан қўшиб-чатмай бор гапларни ёзмоқчимиз, — дедим.

Акмал ака рози бўлгандек эди. Бироқ, гапдан кўра ишни кўпроқ афзал кўрадиган бу одамга ўнта савол бериб, биттасига зўрба-зўр жавоб олиш мумкин эди.

...У туманда раҳбарлик лавозимида ишлаганидаёқ хўжаликнинг пасти-баланди, икир-чикирини, қайси томонлари яхши-ю, қайси томонлари заифлигини билиб юрарди. Биринчи қадамини ҳеч ким кутмаган, ҳаёлга келмаган ишдан бошлади.

Хўжаликда 140 ўринли боғча фаолият кўрсатиб келар эди. Ота-оналар ҳар бир фарзанди учун ойига ўртача 200 сўмдан пул тўлашарди. Раис текин қилиб қўйди. Ҳамма таъминотни бўйнига олди. Ҳар хил гап оралади. Айримлар барака топсин деса, баъзилар у-бу дейишди.

Раис бу қарорга келишдан олдин обдон ўйлаган, қаердан қандай қилиб, қўшимча пул топсам бўлади, деб бош қотирган эди. Бундай қараса, хўжаликда бир вақтлари данғиллама қилиб қурилган хизмат иморатларининг кўплари ҳозирги кунда бўм-бўш, ҳувиллаб ётарди. Нега бундай иморатларни ижарага бериш мумкин эмас. Ҳам иморатга қарайдилар, ҳам таъмирлаб асли ҳолига келтирадилар. Иккинчидан, хўжалик чўнтагига пул тушади! Шундай қилди. Ҳисоблаб кўришса, 1 миллион сўм пул келадиган бўлди.

Раҳбар томонидан кўрилган биргина ана шу тадбирнинг ўзи одамларнинг унга бўлган ишончи ва меҳрини оширди. Бу меҳр, бу илиқлики озмикўпми ҳис қила бошлаган раис энди асосий мақсадни амалга оширишга киришди. Бу мақсаднинг моҳияти, мағзи одамларни ишга қизиқтириш, деҳқончасига айтадиган бўлсак, «ўзини ўзига боғлаб қўйиш»дан иборат эди. Бунда унга «Маданият» жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлагандa орттирган тажрибаси қўл келди. Гап шундаки, хўжаликда ўша пайтда деҳқонлар оилавий пудрат бўлиб ишлашарди-ку, лекин, кўплар шартномага амал қилишмасди. Режани бажарган ҳам, бажармаган ҳам ишлайверарди. Ҳеч кимга чора кўрилмасди. Қайтага режани бажарганлар фисқи-фасод гапларни эшитишарди.

Ислоҳот ва раҳбар

Акмал ака агроном бўлиб ишлаганида бундай гаплар қулоғига чалинарди, лекин, қатъий чора кўришга қўли калталик қиларди. Тили беш қарич «учар»лар эса «ишини битириб», ялло қилиб юраверишарди.

Акмал ака раис бўлгач, буларга чек қўйди. Шартнома бажарилиши керак, шартнома ишлаши керак, бошқа йўл йўқ, деган талабни қўйди у. Шунинг учун мендан ҳафа бўлмайсизлар. Отам бўлса ҳам аямайман.

Лекин шартномани ниҳоятда пишиқ-пухта ва айни пайтда содда қилиб тузиб чиқдилар. Моҳияти шундай: олган ерингга қараб шунча маҳсулот топширасан, қолгани эса ўзингники. Қандай таъминот, хизмат бўлса биз турибмиз!

Қайси деҳқон ўзини, болачақасини боқиб турган ерга эгалик қилишдан мосуво бўлиб қолишни хоҳлайди. Ҳеч ким, албатта. «Маданият»даги ишлар ана шу тариқа жўнаштириб юборилган эди.

«Дўрмон»да эса аҳвол «Маданият»дагидан ҳам анча мушкул ва анча ночорроқ бўлиб чиқди. Тўғри, бу ерда ҳам қоғозда ҳар бир деҳқон билан шартнома тузилган. Ерлар одамларга бўлиб берилган. Бу ҳақда юқорига тегишли ташкилотларга, бизда шунча пудратчи оила ишлайди, деб ахборотлар ҳам берилган.

Амалда эса иш эскичасига давом этаверган. Ҳоҳлаган ишга чиққан, ҳоҳламаган чиқмаган. Ким қанақа ишлаяпти, ҳеч ким деярли суриштирмаган.

Бундай аҳволни кузатиб, юрган раис энди ортиқ бундай ишлаб бўлмайди, ҳар ким меҳнатига яраша рағбат кўриши керак деган қарорга келди. Ҳозир нима бўляпти денг, таъбир жоиз бўлса, деҳқон етиштирган маҳсулотни катта дошқозонда пишириладиган ошга ўхшатса бўлади. Бироқ, бу ошдан тер тўкиб, жон қойитиб ишлаган ҳам, жон қойитмай қўл учида меҳнат қилган ҳам тенг тановул қиляпти-ку. Баъзан эса, ҳатто, ўша жон қойитганнинг ўзига ош етмай қоляпти-ку., Бу адолатсизлик эмасми?! Нега буни тушунгиси келмайди одамларнинг? Пудрат бунақа бўлмаслиги керак.

Ана шу ҳақда деҳқонлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Аслида пудрат қандай бўлиши кераклиги уларнинг онгига сингдирилди. Аввалги шартномалар бекор қилиниб, қайтадан шартнома тузишга киришилди. Биринчи йили «отилиб чиққан»лар билан шартнома тузишди. Бундайлар 30—35 фоизни ташкил этди. Шундай бўлгани яхши. Бошқалар буни ўз кўзлари билан кўришсин, кейин талабгорлар кўпаяди. Ҳақиқатан ҳам улар қойил қилиб ишлашди. Шулар ҳисобига хўжаликда ҳар бир тармоқда режалар ошириб бажарилди.

Энди пудрат бўлиб ишлаганларга бошқаларнинг ҳаваси кела бошлади. Менга ер беринг, пудратчи бўламан, деб ариза ёзганларнинг «қоғози» раиснинг ғаладонига сиғмай қолди.

— Бироқ бу аризалар эгалари ҳаммасининг ҳам талабини қондира олмаймиз. Биттама-битта кўриб чиқамиз. Боқимандалар кириб қолмаслиги керак-да!

— Улар кўпми?

— Беш қўл баробар эмас, — тани-жони соғ бўла туриб, нонга пул тополмай қолдик, раис, деб чиқиб қолишади менинг олдимга. Ундайлар ҳам ариза берган-да. Мен улар билан яккама-якка дилдан, очиқчасига суҳбатлашмоқчиман. Соғлиғи, оилавий аҳволи, хонадонида ишга яроқли қанча жон бор, суриштираман. Сўнг сиз ҳам фалончи деҳқонга ўхшаб, ёнингизга ўз фарзандларингизни олиб, астойдил меҳнат қилинг, тер тўкинг, дейман. Чунки бундайларнинг қиладиган ишини, феъл-атворини яхши биламан-да. Онгни гап билан эмас, амалий мисолларни келтириб, ишонтириб ўзгартириш мумкин. Бунинг учун энди бизда имконият бор.

— Барака топкурлар, — дейди раис шундайлар билан суҳбатлашганда ётиғи билан сўзлаб. — Режадан ортиқча етиштирган маҳсулотингни иккиланмай, бошингни баланд кўтариб, даладан олиб чиқиб кетсанг-чи! Иложи бўлса, бозорга олиб бориб сотсанг-чи, пул кўради қўлинг! Лекин, баъзилар ўрганиб қолганда, ортиқча маҳсулоти бўлса раис бува келишилган нархда сиз олақолинг, деб олиб келишади. Шундай пайтда раис, мен олишдан бош тортмайман. Лекин, мени қарз қилиб қўясизларда, қарзни қачон узишим эса номаълум. Шунинг учун бозорга олиб чиққанларинг маъқул. Агар улов керак бўлса, мен берай, дейди. Бу гап кўпларга маъқул бўлади, албатта.

Келгуси йилдан бошлаб хўжаликдаги деҳқонларнинг юз фоизи янгича шартнома билан пудратчи бўлиб ишлашга қатъий аҳд қилганликларининг ва бунга ҳозирги пайтда қизғин тайёргарлик кўрилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Ўнгланиш сари эндигина қадам қўяётган бу хўжаликда келгусида янги-янги ютуқлар қўлга киритилишига, деҳқонларнинг турмуши тобора яхшиланиб боришига ишончимиз комил.

* * *

Биз бу мақолада одатдаги удумга сал хилофроқ иш тутдик. Гарчи раис ердан ниҳоятда оқилона фойдаланиб, тадбиркорлик билан меҳнат қилиб, юқори ҳосил олган, режадан ортиқчаси ҳисобига тонна-тонна дон-дун, сабзавотларни, чорва озуқасини даладан бемалол уловига ортиб, уйига олиб бориб заҳирага сақлаб қўйган ва айни пайтда бозорларда ҳам маъмурчилик яратилишига ҳисса қўшаётган кўплаб пудратчи деҳқонларни номма-ном айтиб берган бўлса ҳам уларнинг исми-фамилиясини келтирмадик. Сабаб — хўжаликдаги пудратчи бўлиб ишлаган деҳқон борки, ана энди ўзимизни ҳақиқий ер эгаси, мулк эгаси, деб ҳисобласак бўлади, деган фикрда эдилар. Шу туфайли ҳам улар астойдил берилиб ишладилар. Назаримда шунинг учун ҳам биринг исм-фамилиясини айтиб, устун кўйсак, бошқасини камситиб, ўкситиб қўядигандек туюлди. Бошқалар қандай ўйлашса ўйлашсину, биз шундай фикрдамиз.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Сабзавот экинларидан мўл ҳосил олиб, бунинг учун Зангиота туманидаги «Бўзсув» деҳқон-фермерлари уюшмаси жамоасидан миннатдор бўлаётган деҳқонлар озмунчами. Чунки уруғчиликка ихтисослашган бу уюшма аъзолари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқдалар. Айни ёз охирлаётган пайтда уюшмада бўлиб, бош ҳосилот Ҳамидулла Мирзаевнинг деҳқонлар Акмал Ўтабоев, Эмила Исмоиловалар билан қилаётган суҳбатига қулоқ тутганимизда бунга ишонч ҳосил қилган эдик. Ҳосилот сара пиёз уруғи тайёрлаб бераётган ишчиларга раҳматлар айтарди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ТАРАККИЁТ ТАКОМИЛИ — ИЗЛАНИШ

ЕРГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Президентининг халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятлари кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларини республикамиздаги барча қишлоқ меҳнаткашлари, жумладан, вилоятимиз меҳнат аҳли ҳам зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Зеро, Президентимизнинг чиқишлари қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш учун ердан унумли фойдаланиш ва кўпроқ маҳсулот етиштириш чораларини кўриш масаласи кўндаланг қўйилганлиги билан ҳам алоҳида эътиборни тортмоқда. Юртбошимиз гапларида пахтачилик ва деҳқончиликнинг бошқа соҳаларидаги ҳал қилувчи муҳим омиллар бирма-бир санаб кўрсатилди. Муҳарририятимизга юртбошимиз нутқларига муносабат билдириб ёзилган дастлабки хат-хабарлар кела бошлади. Қуйида улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ДЕҲҚОННИНГ дили ўзи етиштирган пахтаси сингари оқ ва тоза. У берган ваъдасининг уддасидан чиқмагунча, эл олдида режани бажариб, юзини ёруғ қилмагунча, сира ҳам тиниб-тинчимайди. Бригадамиз аъзолари ана шунга амал қилмоқдалар.

52 гектар майдонда ғўза ўстирдик. Ёз бўйи парваришни жойига қўйиб, экинни озуқадан, сувдан асло толиқтирмадик. Қатор ораларига вақтида ишлов берилди. Гарчи, йил салқин келган, ғўзалар агротехника қоидаларида белгиланган иссиқликни ололмаган бўлса ҳам меҳнатимиз зое кетмади. Бошқа йиллардагига қараганда мўл ҳосил етиштиришга эришдик.

Йиғим-терим мавсуми тезкор олиб борилди. Айниқса, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида терилган ҳар бир килограмм пахта учун 2 сўмдан, машинада терилган ҳар тонна ҳосил учун камида 50 сўмдан ҳақ тўлаш таомилга киргандан сўнг теримчи ва механизаторлар кўпроқ пахта териш учун бор имкониятларини ишга солдилар. Натижада бригадамиз 131тонна ҳосил топшириб, режани муддатидан — илгари бажаришга муваффақ бўлди. Ҳосилдорлик гектар бошига 25,2 центнерга етди.

Хўжалик бўйича эса 464 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан, жами 1157 тонна пахта топширилди.

Республикамиз Президентининг халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятлари кенгашларида сўзлаган нутқларини синчиклаб ўқиб чиқдик. Пахтакорларга ғамхўрлик руҳи билан йўғрилган илҳомбахш сўзлар ҳаммамизни ҳам ўз ишимизга танқидий назар билан қарашга ундамоқда. Уччала вилоят деҳқонлари олдига қўйилган долзарб вазифалар айни пайтда бизлар учун ҳам тегишлидир. Биз ана шу вазифалардан келиб чиқиб, келгуси йил ҳосили учун пухта ҳозирлик кўришга киришамиз. Ҳозирданоқ далаларни ғўзапоялардан тозалаш,сифатли шудгор қилиб қўйиш, ариқ ва зовурларни тайёрлаш ишларига тараддуд кўряпмиз. Негаки, келгуси йилда ҳам мўл ҳосил етиштиришни режалаштирган деҳқон бу ишларни сира кечиктирмай куздагисини кузда, қишдагисини қишда бажариб қўйиши лозим. Ана шундагина ер толиқмайди, долзарб пайтда деҳқон шошилиб қолмайди, уруғликни март ойидан кечиктирмай экиб бўлишга эришади. Ана ўшанда ҳосил эрта етилади, уни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиш мумкин бўлади.

Баҳодир ҲАМДАМОВ,
Бўка туманидаги «Ровот» жамоа хўжалигининг бригадаси бошлиғи.

ХОТИРЖАМ БЎЛИШГА ЎРИН ЙЎҚ

КУЗ ҳам ўтяпти. Деҳқончасига айтганда, қилинган ишларга якун чиқариладиган пайт келди. Хўжалигимиз бўйича 850 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,8 центнердан ҳосил олиб, давлатга 2250 тонна юқори сифатли пахта топширдик. Хўжалигимиз уруғчиликка ихтисослашгани сабабли ҳосилнинг асосий қисми қўлда териб олинди. Олтинбек Ўролбоев, Раҳмон Мингбоев, Қўчқор Йўлдошев бошлиқ бригадалар эришган муваффақиятлар яхши бўлди.

Хўш, бу ютуқларимизнинг сири нимада? Терим мавсуми қандай ўтди?

Бозор муносабатлари даврида моддий манфаатдорлик биринчи ўринга чиқиши ҳаммага маълум. Хўжалигимиз бошқаруви ана шуни ҳисобга олиб, энг аввало, теримда иштирок этган барча кишиларни моддий рағбатлантиришга, уларни ҳеч нарсадан зориқтирмай, рўзғорини бут қилиб қўйишга эришди. Масалан, биринчи теримда ўн кун мобайнида кунига 60 килограммдан, жами — 600 килограмм пахта терган кишига ҳар килоси 10 сўмдан — 50 килограммдан ун, килоси 20 сўмдан — 3 килограмм мой берилди. Бундай моддий рағбатлантириш кейинги ўн кунликларда ҳам давом этди. Фақат фарқи — тарқатилган озиқ-овқат маҳсулотлари қаторига 50 килограммдан шоли ва картошка ҳам қўшилди.

Хўжалигимизда Бўстонлиқ тумани, Оҳангарон ва Оққўрғон шаҳридан келган ёрдамчилар ҳам пахта теришди. Уларни ҳам моддий рағбатлантириб, илғорларга 1 минг сўмдан 3 минг сўмгача мукофот пули, 30 килограммдан 50 килограммгача бепул гуруч берилди. Ҳар бир теримчи терган пахтаси учун икки сўмдан ҳақ олдилар. Ишнинг ана шундай ташкил этилганлиги сабабли терим суръати дастлабки кунданоқ юқори бўлиб, мавсум охиригача шу тарзда давом этди.

Ҳозирги кунда пахтаси териб бўлинган далалар ғўзапоядан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Сирасини айтганда, хўжалигимиз бўйича мўл ҳосил етиштирилганида кузги-қишки дала ишларининг вақтида олиб борилганлиги, ер музлагунича чуқур шудгор қилиб қўйилганлиги ҳал қилувчи омил бўлди. Зеро, биз ҳамиша кузда шудгор қилишни канда этмаймиз. Ариқ ва зовурларни тозалаш, далаларга ўғит чиқариб солиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳам ўз вақтида олиб бориляпти.

Республикамиз Президенти Сирдарё, Жиззах ва Наманган вилоятлари халқ депутатлари кенгашларида сўзлаган нутқларида ҳам деҳқон шу кунларда бажарилиши лозим бўлган ана шу вазифаларга алоҳида ургу бердилар. Бу вазифалар биз учун қоида бўлиб қолади. Ана шунга амал қилиб, кузги-қишки дала ишларига жадал киришдик. Экиндан бўшаган ерлар декабрь ойигача чуқур шудгор қилиб қўйилади. Қиш бўйи ариқ ва зовурларни тозалаш, экиш техникасини таъмирлаб қўйгандан кейингина хотиржам бўлсак, арзийди.

Нуриддин МАДАМИНОВ,
Оққўрғон туманидаги «Қонқа» жамоа хўжалигининг раиси.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ТУЗИЛДИ

Республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини тузиш бўйича ташаббускор гуруҳ мажлиси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика Президенти ва ҳукумати юритаётган кучли ижтимоий сиёсат мамлакатимизда халқлар тотувлиги, осойишталик ва барқарорликни таъминлаётганини таъкидладилар, фахрийларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликдан мамнунликларини изҳор этдилар.

«Нуроний» деб аталган янги жамғарма ногиронлар ва бошқа нафақахўр қариялар турмуш шароитини, сиҳат-саломатлигини янада яхшилашни, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, айниқса ёшлар тарбиясида фаол қатнашишларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ташаббускор гуруҳ мажлисида «Нуроний» жамғармасини тузиш ташкилий қўмитаси ва унинг таркиби тасдиқланди. Бир қатор вазирликлар, йирик саноат корхоналари ва жамоат ташкилотлари янги ташкил этилаётган жамғарма муассиси бўляптилар. Жамғарманинг таъсис қурултойини ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзА).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

НОХУШЛИК УСТИГА НОХУШЛИК

Россиядан кўнгилсиз хабарлар келмоқда. Кремль марказий касалхонасида шифоланаётган Президент Борис Ельцин фармони билан кеча мамлакатда мотам куни бўлди. Давлат байроқларига қора ҳошия боғланиб, тушириб қўйилди. Маданият муассасалари дилхуш тадбирларнинг ҳаммасини тўхтатдилар, телевидение ва радиода шўх мусиқа, куйлар ўрнига мунгли оҳанглар эшиттирилди.

Мотамнинг боиси — Доғистоннинг Каспийск шаҳарчасида тўққиз қаватли турар-жой биносининг қулаб тушиб, кўплаб одамларнинг ҳалок бўлганлигидадир. Бу ерда асосан чегарачилар ва уларнинг оилалари истиқомат қиларди. Кечагача 56 кишининг жасади топилди. Улар орасида талайгина аёллар ва ёш болалар бор. 500 дан ортиқ одам, турли техника қутқарув ишларига сафарбар қилинган. Фожиага террорчилик иши деб қаралмоқда. Жиноятда шубҳа қилинаётган бир одам қўлга олинган...

Бойқўнғир космодромида шанба куни ярим тунда учирилган «Марс-96» ракетасининг парвози муваффақиятсиз тугади. Фазовий станциянинг бўлаги Чилининг Пасхи ороли яқинига қулаб тушган. Бугина эмас. Тинч океанига туташ давлатларни, биринчи галда Австралияни олти тонналик фазовий станция ичида жойлашган ўта заҳарли плутонийдан иборат 4 та контейнер хавотирга солмоқда. АҚШ президенти Клинтон ҳам Австралия раҳбари билан гаплашиб, уни кутилаётган хавфдан огоҳ қилди.

Етти йил тайёргарликдан сўнг учирилган бу ракетага олимлар катта гуруҳининг, юзлаб илмий ташкилотларнинг меҳнати сингган эди. Станцияни жиҳозлашда 20 дан ортиқ мамлакат, жумладан, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Швеция, Германия қатнашган эди. Россия томонидан сарфланган 122 миллион доллар ва 180 миллион долларлик ҳорижий илмий асбоб-ускуналарнинг ҳаммаси қўкка совурилди. Иқтисодга путур етгани майли-я, Россия космонавтикасининг обрўси бутунлай тушиб кетди...

ПРЕЗИДЕНТНИНГ БОШИ ГАРАНГ

Беларусда 24 ноябрь куни умумхалқ сўрови — референдум ўтказилиши керак. Бу воқеа арафасида мамлакатда сиёсий барқарорлик, бебошлик авжига чиқди. Шанба-якшанба кунлари Минскда халқнинг ҳуқуқ-тартибот вакиллари, ОМОНчилар билан тўқнашувлари бўлди. Сўз эркинлиги, демократия учун намойишга чиққан кишилар калтакланди.

Президент Александр Лукашенко яқинда Марказий сайлов комиссияси раиси Виктор Гончарни истеъфога жўнатган эди. Куни кеча бош вазир М. Чигирь истеъфога чиқди. Бошқа катта амалдорлар ҳам ишламасликларини билдирдилар. Беларусь парламентида Александр Лукашенко ғайриқонуний, конституцияга зид ишлар қилаётганлиги айтилиб, референдум хўжа кўрсинга ўтказилаётганлиги, бу тадбир майнавозчиликдан бошқа нарса эмас, деб баҳоланди. Мамлакат Олий Кенгаши Раёсати Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларига Беларусдаги аҳволни муҳокама қилиш юзасидан олий даражада учрашув ўтказиш даъвати билан шошилинч мурожаат этди. Парламентнинг фавқулодда сессияси ҳам чақирилди.

Хуллас, ҳозир президентнинг боши гаранг...

ЧЕГАРАДАГИ ТЎҚНАШУВ

Ҳарбийларнинг маълум қилишича, 17 ноябрь куни кечаси 6 нафардан иборат гуруҳ Афғонистондан Тожикистон ҳудудига қорадори олиб ўтаётганда чегарачилар билан тўқнашди. Отишмада контрабандачиларнинг 3 нафари ўлдирилди ва қолганлари қочиб қутулди. Аммо воқеадан тўғри хулоса чиқара олмаган уч киши 18 ноябрь куни кечаси яна бир бор омадларини синаб кўришди. Бироқ бу сафарги уриниши ҳам муваффақиятсиз якунланди ва улар орқага чекинишди.

Чегарачилар йил давомида икки тоннадан кўпроқ наркотик моддаларни мусодара қилганлар.

АҲОЛИНИНГ ЯРМИ ОЧ

Вашингтондаги халқаро тадқиқот институти ходимларининг хабар беришича, Сахрои Кабирнинг жанубида яшовчи 140 миллион кишининг тенг ярми очарчиликни бошдан кечирмоқда. Агар ушбу минтақадаги мамлакатлар раҳбарияти аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласини тезроқ ҳал этмаса, бу кўрсаткич кундан-кунга ошиб бораверади.

Маълумки, сўнгги 10 йил ичида Сахрои Кабир ҳудуди кенгайиб, экин экиладиган майдонлар қисқариб бормоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

АНҚАРА

● Истанбул шаҳри хавфсизлик суди Туркия ҳукуматига мурожаат қилиб, шу йилнинг январ ойида «Аврасия» теплоходини қўлга олган қўпорувчиларни узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этишни талаб қилди. Агар суднинг талаби қондирилса, қўпорувчилар бошлиғи Муҳаммад Туқжон 23 йилдан 45 йилгача, унинг шериклари эса 19 йилдан 37 йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

Маълумки, мазкур гуруҳ 16 январь куни «Аврасия»ни эгаллагач, Чеченистонга мустақиллик беришни талаб қилган, лекин орадан уч кун ўтиб, таслим бўлган эди. Эндиликда улар «қўпорувчилар гуруҳини ташкил этиб, денгиз транспорти воситасини эгаллаб олишда ҳамда ноқонуний йўллар билан портловчи моддалар тайёрлаш ва уларни олиб юришда» айбланмоқда.

КОБУЛ

● Афғонистоннинг Шимоли-Ғарбий вилоятларида «Толибон» ҳаракати қўшинлари билан генерал Абдурашид Дўстум ва Ҳирот вилояти ҳокими Исмоилхоннинг бирлашган қуролли кучлари ўртасидаги шиддатли жанглар давом этмоқда.

Маҳаллий кузатувчилар вазият «тобора беқарорлик тусига кириб бораётганини» айтмоқда. Уларнинг фикрича, агар айни пайтда энг кескин жанговар ҳаракатлар содир бўлаётган Бадгис шаҳри толиблар қўлига ўтадиган бўлса, улар қўшни Фарёб вилоятига ўтиб, бевосита Абдурашид Дўстум ҳукмронлик қилаётган ҳудудларга ҳужум уюштириши мумкин. Толиблар Бадгисни қўлдан чиқарадиган бўлса, унда генерал Абдурашид Дўстум учун мамлакат шимолидаги энг йирик шаҳар — Ҳиротни эгаллаш имкони туғилади.

БЕРЛИН

● Германия Федератив Республикаси бош прокурори Кристоф Шефген собиқ ҒДР ва ҒФР ўртасидаги чегарада хизмат қилган ҳарбийлар ҳамда бу ишга алоқадор бошқа шахсларни таъқиб қилиш давом этажагини маълум қилди.

Маълумки, собиқ икки Германия ўртасидаги мазкур чегарада кўплаб кишилар ҳалок бўлган, лекин бу жиноятларни содир этганлар жазосиз қолганди.

К. Шефгеннинг таъкидлашича, ҳозир Берлин девори яқинида содир этилган бундай жиноятларнинг 400 га яқини текширилмоқда. Бу ишда шубҳа остига олинганлар орасида собиқ ҒДРнинг юзлаб чегарачи аскарларидан ташқари, «уларга буйруқ берган» қариб 200 нафар давлат арбоби ва юқори лавозимли ҳарбийлар ҳам бор.

(ЎзА).

Ватан, қучоғингда балқди тафаккур,
Элни, дилни поклагай шу муқаддас нур.

Олий қадрият

«Тошкент ҳақиқати»нинг маънавият ва маърифат саҳифаси

ЗАНГИБОБО ЗИКРИДА

ДУНЁНИ ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ҳақида гап борганда Зангиота шахси ва у инсоннинг номи билан боғлиқ ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилиш ўринлидир.

Зангиотанинг ҳақиқий отлари Ойхўжа ибн Тошхўжа бўлиб, «Занги» ибораси билан нисбат берилиши, у кишининг қорачадан келган инсон эканликларининг рамзий ифодасидир. Зангиота тарихда яшаб ўтган шахс бўлиб, бутун онгли ҳаёти, Мовароуннаҳр халқларининг энг оғир ва даҳшатли даврига тўғри келади.

Зотан, XIII асрнинг йигирманчи йилларида мўғул истилочилари Мовароуннаҳрнинг энг йирик шаҳар ва қишлоқларини култепага айлантириб, оддий меҳнаткаш халқ оммасини қуллик исканжасига солган оғир вазиятда, Зангиота ва унинг ўндан ортиқ халифалари ҳамда шогирдлари бўлмиш буюк мутасаввуф зотлар халқ оммасини қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, адлу-инсоф, поклик, яхшилик, тўғрилик, меҳр-шафқат каби энг олий умуминсоний ғоялар билан озиқлантириб, уларни руҳан ва маънан тетик тутиб, уларга илоҳиёт ва иршодат йўлларини кўрсатиб турганлар.

Зангиотани маҳаллий аҳоли зўр ҳурмат ва эҳтиром билан «Зангибобо» ҳам дердилар. Унинг кўплаб муҳлис ва шогирдларидан тўрт нафари ҳалифалик мавқеига кўтарилган бўлиб, уларнинг исми-шарифлари — узун Ҳасан ота, Саййид ота, Садр ота ва Бадр оталардир. Зангиотанинг туғилган йили номаълум бўлса ҳам, лекин, айрим манбаларга қараганда 1258 йилда вафот этганлиги ҳақида тахминлар бор.

Мангу обидалар

Соҳибқирон Амир Темур Зангиота зиёратгоҳига бир неча бор ташриф буюрганлиги Ойхўжа ибн Тошхўжа ва унинг волидаи муҳтарамаси Анбар оналарга мақбаралар қурдирганлиги маълум. Зангиота чўпонларнинг пири, авлиё қиёфасида гавдаланади. Тарихий манбаларга қараганда Аҳмад Яссавийнинг муриди, сўфий шоир Сулаймон Ҳаким ота Бақирғонийнинг шогирди эканлиги, мақбараларнинг қад кўтариши XIII асрнинг охирлари, XIV асрнинг бошларига тўғри келиши, хонақоҳ-шийпон, дарвозахона бир-биридан алоҳида-алоҳида мадраса, масжид ва ҳовуздан ташкил топган бўлиб, Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган пештоқ 1980 йилда қайта тикланди.

Соҳибқирон бу ерларда шифоланган деган тахминлар ҳам бор. Чунки, Зангиотанинг атроф теварагида кўплаб шифобахш булоқлар бўлганлиги аниқ. Ҳозирда ҳам Зангиота дам олиш масканидан кўплаб кишилар дардларига шифо топмоқдалар. Ёдгорликлар бунёд этилгандан бери бир неча бор таъмирланди ва тузатилди. 1967 йилдан бошлаб қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилди. 1990 йилда ушбу зиёратгоҳ ҳақиқий эгалари бўлган масжид жамоасига қайтарилди.

Ҳозирги кунда ҳам Зангиота зиёратгоҳида таъмирлаш, ободонлаштириш, қурилиш, безатиш ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, ободонлаштириш ишларига Зангиота тумани ҳокимлиги жиддий эътибор билан қарамоқда. Ҳожа Аҳмад Яссавий йили деб аталган, Баҳовуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги кенг нишонланган 1993 йили вилоятимизнинг Чиноз туманида собиқ «Москва» жамоа хўжалигига Амир Темур номи берилиши, Бўстонлиқ туманининг Боғистон қишлоғида Ҳожа Аҳрор Валийнинг 590 йиллигига бағишланган тантана, Юқоричирчиқ туманидаги собиқ Свердлов номли жамоа хўжалигини Ҳожа Аҳмад Яссавий номи билан юритиш тантанаси ўтказилганда, Зангиотада катта халқ сайли бўлиб, 1933 йилларда ман қилиб қўйилган халқимизнинг азалий удуми қайта тикланганлиги кўпчиликнинг кўнглини кўтариб юборди.

1993 йил 13 августдаги сайлда 30—40 мингдан зиёд аҳоли қатнашган эди. Бунда халқимиз сайлига катта ҳисса қўшган вилоят маданият бошқармаси, Ҳамза номидаги академик драма театрининг ижодий жамоаси, «Соҳибқирон» гуруҳи, маҳаллий ҳаваскорлар, оммавий ахборот воситалари ходимларидан чексиз миннатдор бўлган эдилар.

Савдо ташкилотлари, туман жамоа ва давлат хўжаликлари ўзларида етиштирилган барча турдаги маҳсулотларни хайрия тариқасида, арзон нархда аҳолига сотишни ташкил қилганлар. Сайилда қатнашган барча аҳолига ош тортилиб, уларнинг мароқли дам олиши ташкил этилган эди. Барча туман, шаҳар ҳокимликлари, оддий халқ вакиллари Зангиотага хайрия тариқасида ўша даврнинг пулида 49 миллиондан ортиқ сўм-купон берган эдилар. Бу тадбирда қатнашган халқимиз қанчалик кўтаринки кайфиятда бўлиб, иймон, эътиқод, инсоф, диёнат ва савобларнинг туб маънисига етиб, миннатдорчилик билдирганлар. Ўшанда «Бор экан-ку, ҳақиқат, юзма-юз гаплашиш, биз илгарилари мафкуравий ташкилотлар мажбуран уюштирган маърузаларни эшитиб, ҳеч қандай хулоса чиқармасдан тарқалишиб кетаверардик», — деганларни учратдик. Айниқса, халқимиз ҳузурида оташин маъруза билан чиқадиган олимларимиз: Фатхулла Зикриллаев, Ориф Усмонов, Турғун Файзиев, Омонулла Бўриевга ўхшаганлар ҳофизларимиздан Ҳотам Қосимов, Шавкат Расулов ва бошқа санъаткорлар халқимизга маъқул тушганликларини ҳануз эслаймиз. Бу йил ҳам Амир Темурнинг 660 йиллиги туманимизда ана шундай кўтаринки руҳда нишонланди...

Юқоридагилар маънавиятимизнинг тарғибот йўналиши ҳақидаги айрим фикрлардир. Маънавиятимиз ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш учун шу ўринда фаолларимизни моддий қизиқтириш томонларини ҳам ўйлаб кўриш зарур. Бизнинг ёшдаги балки, биздан катта ёшдаги ҳаётни аччиқ-чучугини татиб кўрган мутахассис, фахрийлар ҳам маънавиятимизнинг юксалишига ҳисса қўшгимиз келади. Ҳозирги ёш раҳбарлар буни ўйлаб кўрсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди, албатта.

Баҳром ТОЖИБОЕВ,
меҳнат фахрийси.



Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон...
(Сурат «Темурийлар тарихи» давлат музейидан олинган).

АҲТАРИЙНИ БИЛАМИЗМИ?

Замонасининг етук маърифатпарвари, шоир, табиб, боғбон Аҳтарий ўтган асрнинг иккинчи ярмида Тошкент адабий муҳитида ўзига хос ўрин эгаллаган ижодкордир. Ҳикоямиз ана шу пуристеъдод инсон ҳақида боради.

Афандихон Ортиқхўжа ўғли — Аҳтарий адабий тахаллусида бадиий ижод билан шуғулланган истеъдодли қалам соҳиби бўлган. У 1870 йили Тошкентда дин арбоби оиласида дунёга келган. Дастлабки маълумотни, у 7 ёшидан бошлаб Ҳовузбўйи маҳалласидаги машҳур мактабдор домла Исматилла Қоридан олган. Кейинчалик Афандихон Тошкент, Бухоро ва Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган. У ўткир зеҳнлилиги боис форс-тожик ва араб тилларини ҳам мукаммал билган.

Меросимизни ўрганамиз

Аҳтарий адабий меросидан айрим намуналар ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Шоир адабий мероси мундарижаси билан яқиндан танишсак, унинг «Дўст», «Дур», «Қандай аҳволдасиз», «Адабиёт», «Хат», «Ҳануз» радифли ғазалларини ҳамда Фузулий шунингдек, Алишер Навоий ғазалларига боғлаган муҳаммаслари бадиий жиҳатдан пишиқ-пухталиги, гўзал ташбеҳларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, у замондошлари Васлий, Сўфизода, Хислат, Тавалло, Ажзий каби шоирлар қаторида тилга олинган.

Аҳтарий ғазаллари ўша даврда «Аль-Изоҳ», «Аль-Ислоҳ» номли журналларда ҳамда «Садойи-Туркистон» газетасида босилиб турган. Унинг «Оҳиста-оҳиста» радифли ғазалида, халқнинг аста-секин тараққиётга юз бураётгани ўз ифодасини топган. Айни пайтда, шоир илм-маърифатни эталлаш билан нурли кунларга етишиш мумкинлигига ишонган.

Аҳтарийнинг шўро даври воқеаларига салбий муносабат билдириб ёзган шеърлари ҳам бўлган. Минг афсуски, улар тарқоқ, қўлёзма ҳолда бўлгани сабабли ҳануз ўқувчиларга етиб бормаган. Таниқли олим Азиз Лазиззоданинг ёзма гувоҳлик беришича, шоир шеърлари «Турон» театрида намойиш этилган баъзи драма асарларида қўшиқ қилиб ҳам айтилган.

Аҳтарий ўзининг хушмуомалалиги, билимдонлиги билан қавм-қариндош ва маҳалладошлари ўртасида катта обрў қозонган. У эл-юрт орасида беморлар дардига малҳам бағишлаб юргани, даво топгани учун «Табиб» номи билан ҳам машҳур бўлган. Бўш вақтларни эса гулчилик, боғбончилик қилиб, меҳнат билан ўтказган.

Шу йил 19 сентябрь куни Ўзбекистон радиосининг «Ғазал бўстони» номли эшиттириши ҳаво мавжларига тарқалди. Эшиттиришда Аҳтарий мухаммаслари тингловчилар ҳукмига ҳавола этилди. Бу менда ҳам катта таассурот уйғотганлиги сабаб, кўп йиллик дўстим, шоир Аҳтарийнинг фарзанди Ҳамидхон Афандихон ўғли билан учрашиб, узоқ вақт оталари ҳақида суҳбатлашдик. Юқоридаги гаплар баайни ана шу суҳбатнинг маҳсулидир.

Аҳтарийнинг ибратли ҳаёт йўли ва адабий мероси тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганишга лойиқдир, деб ўйлаймиз.

Хожиакбар АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 241-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Маърифий суҳбатлар

ОДОБИНГ — ЗИЙНАТИНГ

Инсон камолоти йўлида дунёвий илмлар билан бир қаторда, исломий тарбиянинг ҳам роли беқиёсдир. Дунёвий ва исломий сабоқлар бир бутунликда фозил, комил инсонларни тарбиялаб етиштиради. Шу мақсадда махсус мухбиримиз Паркент туманидаги «Бобо-Мочин» масжиди имомхатиби Абдуллоҳ АЗИЗОВ билан ўзбекона фазилатлар, аҳлоқ-одоб мавзуларида суҳбатлашди.

— Ассалому-алайкум, тақсир! Ахлоқ-одоб — инсон фазилати, унинг чиройи! Гўзал хулқли инсонлар қалбида ҳамиша эзгулик ниш уради. Зеро, исломий таълим ва тарбиянинг асосида инсонларни ахлоқли, одобли қилиб тарбиялаш тамойиллари ётади. Суҳбатимизни шулар ҳақидаги фикрларингизни билишдан бошласак.

— Аҳлоқ-одоб ҳақида сўз бошлар эканмиз, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг: «Мен сизларга одобни ўргатиш учун юборилганман», — деган муборак сўзлари қалбимизни беиҳоя тўлқинлантиради. Дарҳақиқат, намоз, рўза ва бошқа ибодатлардан ҳам аввал Аллоҳнинг элчиси бўлган сарвари коинот бутун оламга «Ло илоҳа иллаллоҳ Маҳаммадур расулуллоҳ» — «Аллоҳ якка ва Муҳаммад (С.А.В.) унинг элчисидир», — деган сўз билан ахлоқу-одобдан таълим бердилар.

— Ахлоқ-одобнинг бошида, энг зўр калом — салом туради. Салом мазмунини салмоғининг таърифи беқиёс. Зеро, Ҳадиси муборакда хабар берилишича: «Жаноби пайғамбаримиз қачонки ёш болалар олдидан ўтиб қолсалар, улардан олдин салом бериб ўтар эдилар». Шундай эмасми?

— Қаранг, шундай улуғ зот: «улар менга салом берсин», — деб кутиб турмасдан, ўзлари олдин салом берар эканлар. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, салом беришнинг ҳам ўзига хос қоидалари мавжуд. Яъни, отлиқ эшакда кетаётган кишига, у эса пиёда кетаётганга, пиёда тўхтаб турганга, у ўтирганга, якка кетаётган кўпчиликка салом бериши лозимдир. Уйга кирганда эса хонадагиларга салом бериш одобдан ҳисобланади.

— Шу ўринда «Одоб ўзи нима?» — деган саволга ҳам тушунтириш бериб ўтсангиз.

— Одоб — Аллоҳ берган ақл-идрокки, инсонлар билан бўладиган муомалада ёшига, амалига, аёлу-эркаклигига, умуман, ҳар бир инсоннинг ўз мақомига қараб муомала қилишликдир. Шу ўринда бир воқеани келтирсам.

Бир ўлим маросимига борган эдик. Эшик ёнида ҳамдардлик билдириш учун қатор турибмиз. Одамлар фотиҳа ўқиш учун келаяптилар. Қуръон тиловатлари бўлиб турипти, баъзи бир ёшларни кўриб ҳайрон қолдик. Лабларида сигарета тутатиб, қўлларида лаганда ош кўтариб келаяптилар.

Шу пайт ташқаридан келаётган одамларга хизмат қилаётганлар «бақир-чақир» қилиб, битталари «бу ерга ўтиринг», — деса, иккинчилари тўртта лаган ош чақиряптилар. Шу жойда бир ақлли киши бош-қош бўлиб: «азизлар, бу маросим, тўй эмас, келишиб олайлик. Фотиҳага келаётганларнинг ҳурматини ўрнига қўяйлик. Ҳеч ким кутиб қолмасин. Шунинг учун нечта жой борлигини бармоқ билан кўрсатайлик. Битта бармоқ — чойга, иккитаси — нонга, учтаси — ошга», деб ҳаммани йўлга солса, олам гулистон бўлар эди.

— Маъқул гап. Баъзи бир оилаларда, кўча-кўйда, хизматда айрим кимсаларни овоз пардаларини баландлатиб гапиришларини кузатамиз. Ана шундай ҳолатларга қандай муносабат билдирасиз?

— Ўринли савол. Ислом таълимотида бунга ҳам жавоб берилган. Чунончи, катталар билан гаплашганда, овозингиз уларникидан баландроқ чиқиши ҳам одобсизликдир. Исломнинг аввалида Пайғамбаримиз (С.А.В.) ҳузурларига араблар кириб: «Эй, Муҳаммад, буёққа қарагин, менинг бу сўзимга нима дейсан?» — деб баланд овозда бақирар эканлар. Шунда Аллоҳ ўзининг муборак оятини юбориб: «Пайғамбарингизнинг овозидан овозингизни баланд қилманг», — деб таълим берди.

Илм бўлса-ю, одоб бўлмаса, шунингдек, катта-кичик билан муомала қилишни билмаса, меваси бору, барги йўқ дарахтга ўхшайди. Барг бўлмаса, дарахтнинг меваси пишмай тўкилиб кетади. Зеро, келажаги буюк мустақил давлатимизга ахлоқ-одоби етук, жисмоний ва ақлий баркамол ёшлар керак!

— Паркент вилоятимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири. Сиз эса республикамизнинг кўплаб жойларида хизматда бўлгансиз. Айтинг-чи, бу гўша одамларининг ўзига хос фазилатлари қандай?

— Ҳа, албатта. Бу масканда ёшлар доимо нуроний қария ва мўътабар онаҳонларимизни ҳурмат қилиб, тавозе билан уларга йўл бериб, фақат орқаларидан юрадилар. Айниқса, бу ернинг хотин-қизларидаги ҳаё, ибо ва одоб кишини ўзига сеҳрлаб туради. Йўлдан йигитлар ёки эркаклар келаётган бўлсалар, биронта аёл уларнинг йўлини кесиб ўтмайди. Албатта, аёл киши йўлида тўхтаб туриб, уларни ўтказиб юборади.

— Демак, инсоннинг комилликка етишиши учун, аввало, ахлоқ-одобли бўлиши талаб этилар экан. Ахлоқ-одоб эса — инсон тожига нақшдек гап! Бир мухтасар мулоқотда кенг қамровли бу мавзу устида батафсил фикрлашиш мушкул. Бугунги мухтасар мулоқотимиз сўнгида айтадиган фикрларингизни ҳам билишни истар эдик.

— Аллоҳ барчамизга мукаммал инсон сифатида дину диёнатимизни, ота-боболаримиз ўгитларини, уларнинг яхши урф-одатларини, солиҳ амалларини мерос қилиб, халқимизга, давлатимизга холис хизмат қилишликни насиб айласин. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Суҳбатдош БАҲОДИР ҲАБИБ ВАЛИ.

Мен ўзбекнинг қизиман...
Даврон АҲМАД олган сурат.

ҲАЁТ ДАРСЛИГИ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм.
Ассалому-алайкум ҳурматли таҳририят ходимлари!
Мен кейинги пайтда газетангиз саҳифаларидан мунтазам ўрин олаётган одоб-аҳлоқ, миллий маънавият ва қадриятлар ҳақидаги мақолаларни катта қизиқиш билан кузатиб бораяпман. Газета тутаётган бу хайрли йўл оддий бир муштарий ва кекса педагог сифатида мени ниҳоятда мамнун этади.

Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, ота-боболаримиз орзу қилган чин мустақиллик замонларига етишиб, эркин нафас ола бошладик. Энди бу эркни қўлда сақлаб қолмоқ ва суюкли Ўзбекистонимизни худди Амир Темур орзу қилганидек обод ва қудратли давлатга айлантирмоғимиз лозим. Бу эса аввало маънавиятни ўстиришдан, кишиларнинг ҳаётга, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини шакллантиришдан бошланади. Худди шу маънода Президентимиз Ислом Каримовнинг республикада маънавият ва маърифатни ривожлантиришга қаратилган Фармони бежиз эълон қилинмади.

Хўш, маънавият ўзи нима? У қачондан бошлаб ва қаерда, қандай ўргатилади? Баъзи одамлар бу саволга «маънавият сабоқларини болаларга мактабда сингдириб бориш керак» деса, баъзилари «бундай тарбияни боғчадан бошламоқ тўғри бўлади» дейди. Аслида иккала жавоб ҳам нотўғри эмас. Аммо мен ҳаётни кузатган, умр бўйи болалар билан ишлаган ўқитувчи сифатида «маънавият дарсларини аввало оила муҳитидан бошламоқ керак» деган бўлардим. Нега? Чунки эндигина атак-чечак қилиб юришга ўрганаётган гўдакнинг кўлларидан ушлаб, суянчиқ бўладиган биринчи киши — ота-она! Эндигина тили чиқиб, турли сўзларни талаффуз қилишга интилаётган болакайнинг қулоқларига янги сўзларни қуювчи биринчи устоз ота-она! Афсуски, баъзи ота-оналар болани меъёридан ортиқ эркалатиб турли яримта-юримта сўзларни ўргатиб, талтайтириб қўядилар. Исмларни яримта айтиш, инжиқлик, ортиқча мақтовсуярлик каби салбий ҳислатлар болада ана шу тариқа шакллана бошлайди. Бундан ташқари, ота-оналар болаларнинг олдида ҳар хил ўринсиз гапларни гапирмасликлари, оилада учрайдиган муаммоли масалаларни фарзандлардан ҳоли тарзда ҳал қилишлари керак. Чунки болалар ниҳоятда сергак ва кузатувчан бўлиб, ота-она ўртасида бўладиган гап-сўзларни жуда тез илғаб оладилар. Бу нарса уларнинг кайфиятига ва руҳига таъсир этмай қолмайди.

МАКТУБЛАРНИ ОЧГАНДА...

Назаримда, мактабда, айниқса, бошланғич синфларда болалар тарбиясини ёш ўқитувчиларга эмас, кўпроқ тажрибали ўқитувчиларга топшириш маъқулроқдир. Юқори синфларда дарс берадиган ўқитувчилар эса чекмаслиги, салбий хулқ-атвордан ҳоли бўлмоғи, билими ва юриш-туриши билан болаларга бироз сирли кўринмоғи лозим. Негаки, қалби, дили пок бўлган, ўз фанини чуқур билган ўқитувчигина ўқувчиларга маънавий таълим бера олади ва уларни ўз ортидан эргаштиради. Агар аксинча бўлса, қирқ беш минутлик дарс мобайнида маънавиятдан қирқ достон айтинг, одоб-аҳлоқдан қирқ минг ҳикоят сўзланг-бефойда! Сўз билан сўзлагувчи ўртасида мутаносибликни кўриб турмаган зукко ўқувчи сизга ишонмайди!

Болани ёшликдан бошлаб тўғриликка, очлик ва тўқликка шукрона қилишга, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликка, кўпчилик манфаати учун фидойи бўлишга, Ватанни севишга ўргатиш зарур. Матбуотда, радио ва телевидениеда ҳаётий ва таъсирчан чиқишларни кўпайтириш нур устига аъло нур бўлурди. Албатта, бу борада сезиларли яхши қадамлар бўлаяпти. Лекин эшиттиришлардаги айрим мантиқсиз, бачкана қўшиқларга оддий тингловчи сифатида жиддий эътирозим бор. Зўрма-зўраки куйга солинган бундай қўшиқларнинг ўта жўн, бирор маънили фикрни бермайдиган оддий сўз тизмаларидан иборат эканлигини нима билан изоҳлаш мумкин?! Ахир куй-қўшиқ орқали ҳам инсон қалбига юксак маънавий туйғуларни сингдириш ва бу билан санъатимизнинг қадрини янада баланд кўтариш мумкин-ку! Ваҳоланки, «Ўнг юзингдан ўпай, чап юзингдан ўпай» қабилидаги гапни эллик марта қайтариб, ўзича зўр қўшиқ яратдим, деб юрган соҳта ижрочилар кишиларнинг асабига тегади, ҳолос. Тўғри, ишқ-муҳаббат қўшиқлари ҳам тингловчига руҳий озиқ беради, уни садоқат ва эзгулик сари етаклайди. Аммо мумтоз санъатимиздаги ишқий қўшиқлар тоза булоқдай таъсирли, маънили ва шундай жозибалики, уларни эшитганинг сари эшитгинг келади. Бундай ажойиб санъатимиз дурдоналарини фарзандларимиздан асло узоқлаштирмаслигимиз ва уларнинг ўрнини аллақандай енгил-елпи қўшиқлар билан алмаштирмаслигимиз керак.

Эҳтимол мен бошқалар назарида жўн туюладиган мулоҳазаларни ўртага ташлаётгандирман. Лекин барибир, ҳар қандай катта мақсадлар кичкина ва кўримсиз бўлиб кўринадиган муаммоларни ҳал этишдан бошланади. Ўрни келганда, Президентимизнинг маънавият соҳасидаги сиёсатини чин дилимдан қўллаб-қувватлашимни, бундан кейин ҳам ёш авлод тарбияси учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга тайёрлигимни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мен маънавиятни «ҳаёт дарслиги» деб атадим. Менинг мулоҳазаларим пок ниятли инсонлар қалбига тўғри маънода кириб борса ва уларни жиндек бўлса-да, маънавиятимиз тақдири ҳақида мулоҳаза юритишга ундаса ўзимни бахтиёр деб ҳисоблардим. Келинглар, азизлар, ёш давлатимизнинг равнақи учун, болаларимизнинг саодатли, бахтли-тахтли келажаги учун биргаликда ҳаракат қилайлик.

Абдулла МУТАЛИЕВ,
кекса педагог.

ҲАЙДОВЧИ, ПИЁДА, ЙЎЛ

ШИРИН ЖОННИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ...

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш Давлат автомобиль назорати хизмати олдидаги бажарилиши зарур бўлган биринчи галдаги вазифадир. Тошкент вилояти ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходимлари ана шу йўлда бир қанча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Таҳлиллар вилоят ҳудудида ўтган 9 ой давомида 1007 та йўл-транспорт ҳалокати содир этилганлигини ва унда 1208 нафар киши турли хилдаги тан жароҳати олганлигини кўрсатди. Ачинарлиси — бахтсиз ҳодисаларда 171 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Мазкур йилнинг 19 сентябрь куни соат 13.00 да Чирчиқ шаҳар Абай кўчасида ҳайдовчи С.В.Субботин ИЖ—105 русумли мотоциклини бошқариб кетаётганида кутилмаганда йўлнинг қатнов қисмига ўтиб қолади. ГАЗ — 31029 русумли давлат белгиси 69—01 ТША бўлган автомашинанинг ҳайдовчиси С. Эргашев тўхтатиш чорасини кўришга қанчалик уринмасин у бунинг уддасидан чиқа олмади. Пиёда Х. Пардабоев тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, кўпгина йўл-транспорт ҳодисалари пиёдаларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини яхши билмасликлари оқибатида содир этилмоқда. Аслида, пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида пиёдалар ўтишга мўлжалланган жойдан, у бўлмаган чорраҳаларда йўлаклар чизиғи ёки йўл ёқаси бўйлаб ҳаракатланишлари ва хавф туғдирмасдан йўлни кесиб ўтишлари лозим.

Айрим ҳолларда пиёдалар йўл белгилари, светофор ишорасига фақатгина ҳайдовчилар бўйсуниши керак, деб ўйлайдилар. Пиёдалар светофор ёки йўл нозирининг ишорасига бўйсунишлари шарт. Пиёдалар, зарур бўлмаганда, йўлнинг қатнов қисмида ушланиб қолмасликлари, тўхтамасликлари керак. Ўтишга улгурмаган пиёдалар хавфсизлик «оролча»сида ёки қарама-қарши йўналишдаги ҳаракат оқимини ажратувчи чизиқларда тўхтаб туришлари керак. Хавфсизликка тўла ишонч ҳосил қилгачгина улар ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин.

Пиёдалар ўртасида ҳаракатланиш интизомини мустаҳкамлаш, улар иштирокида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида вилоят ҳудудида «Диққат, пиёда» тадбири ўтказилди. Унда ДАН бошқармаси ходимлари билан бирга ички ишлар бошқармасининг бошқа хизмат ходимлари ва жамоатчилик вакиллари ҳам фаол иштирок этдилар. Тадбир якунига етган бўлишига қарамай, бу борада олиб бориладиган ишлар ҳамон давом эттирилмоқда.

Баҳодир ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ тарғибот бўлими бошлиғи, милиция капитани.

ҚОРА ОҒУ ЙЎЛИГА ТЎСИҚ

Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошқармаси ходимлари гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний равишда тарқатилишига қарши бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

ДАН нозирлари томонидан шу йил давомида гиёҳванд моддаларни олиб кетаётган 33 киши ушлангани бунинг яққол далилидир. Улардан 4,81 кг миқдорида турли хилдаги гиёҳванд моддалар олинди.

Гиёҳванд моддаларни ғайриқонуний равишда тарқатувчи кимсаларнинг барча хатти-ҳаракатларини йўққа чиқариш учун ДАН ходимлари зарур техник ва бошқа воситалар билан таъминландилар. Шундай қилиб, вилоятимизга четдан қора оғу кириб келишининг олдини олиш учун етарли тўсиқ қўйилди. Шубҳа уйғотган ҳар бир енгил ва юк автомобиллари пухта текширувдан ўтказилмоқда.

Афсуски, баъзи нопок шахслар текин бойлик орттириш мақсадида ёнларида гиёҳванд моддалар олиб юришибди. Масалан: 1996 йил 10 апрель куни тахминан соат 20.30 ларда Ойбек номли божхона постида хизмат вазифасини ўтаётган 2-чи алоҳида рота нозири милиция катта сержанти Б. Аҳманов томонидан ВАЗ-2101 русумли давлат белгиси Ф-2818 ТШ бўлган автомашина тўхтатилиб текширилганда, ҳайдовчи М. Ким ва унинг йўловчиси С. Майоров оёғи остидаги целлофан халтада 1 кг миқдоридаги наркотик модда борлиги аниқланди. Шу йил 12 апрель куни 1- алоҳида рота нозири милиция старшинаси Ш. Салметов, милиция катта лейтенанти И. Пўлатов рейд ўтказишганида 1964 йилда туғилган, Янгийўл шаҳри Гагарин кўчаси 113 уй, 48 хонада яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро Эркин Азимбоев деган шахс ушланиб, уст кийимлари текширилганида ёнидан 10 гр. кўкнори ўсимлиги топилди. Шу иш бўйича Янгийўл тумани ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276 моддаси 1-қисми билан жиноий иши қўзғатилди. Шу йилнинг 13 апрель куни тахминан соат 15.00 ларда Янгийўл тумани жиноят қидирув бўлими ходими милиция катта лейтенанти А. Шамшиев ва 1-чи алоҳида ротанинг қидирув нозири милиция катта лейтенанти М. Пўлатов ва шу рота нозири милиция старшинаси Ш. Салметов томонидан Янгийўл шаҳри Лаззат кўчаси 11 уй, 46 хонада яшовчи, вақтинча ишламайдиган Неъматов Алишер текшириб кўрилганида унинг костюмидан қоғозга ўралган «Марихуана» наркотик моддаси топилди. Ушбу ходиса бўйича Янгийўл тумани ИИБ томонидан 14.04.96 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276 моддаси 1- қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейдилар доноларимиз. Гиёҳванд моддаларни сақлаш, сотиш ва бу билан ёшлар таълим-тарбиясига, энг муҳими уларнинг саломатлигига катта зарар етказаётган нопок кимсалар ҳеч қачон жазосиз қолмайдилар. Уларнинг жирканч ишларини қонун ҳимоячилари беаёв фош этаверадилар.

Ф. УСМОНОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ йўл патруль хизмати бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходимларининг асосий вазифаси ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлишига қарамай, жиноятчиликка қарши кураш, яъни транспорт воситасини ўғирлаш, ҳайдаб олиб қочиш жиноятларини фош этишда фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойдан қочиб кетган ҳайдовчиларни қидириб топиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланиб, бу ишларнинг самарасини ошириш йўлида вилоятда бир қатор ташкилий ва амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ишларнинг натижаси ҳар ой йўл патруль хизмати қисмларида, шаҳар ва туман ИИБ ДАН бўлинмаларида умумлаштирилиб, таҳлил қилинмоқда. Амалга оширилган ишлар вақти-вақти билан тезкор мажлисларда кўрилмоқда ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Таҳлиллар охирги беш йил мобайнида вилоят ҳудудида транспорт воситаларини ҳайдаб олиб қочиш сони 156 тадан 48 тага, уларни ўғирлаш эса 455 тадан 84 тага камайди. Бу жиноятларнинг очилиши 87,5 фоизга ошди.

Афсуски, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай вилоят ҳудудида оз бўлса-да, транспорт воситаларини олиб қочиш, ўғирлаш жиноятлари содир этилмоқда. Айниқса, сўнгги вақтларда давлат транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятлари тез-тез такрорланмоқда. Бу жиноятларнинг содир этилишида корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари билан бир вақтда ҳайдовчилар сабабчи бўляптилар. Чунки, транспорт воситалари махсус жиҳозланган жойларда сақланмаган. Ҳайдовчилар ишдан ташқари вақтларда транспорт воситаларини уйга олиб келиб қаровсиз қолдирганлар.

Масалан, транспорт воситаларини ишдан ташқари вақтда махсус жиҳозланган жойларда сақланмаганлиги натижасида бир қатор туманларда тракторни ҳайдаб олиб қочиш ҳоллари юз берди.

Жумладан, Қибрай тумани Ўнқўрғон қишлоғи Обод маҳалласида яшовчи Т. Эшматов уруғчилик олийгоҳига қарашли МТЗ-80 русумли давлат белгиси 61-85 ЕК тракторини уйи олдида қаровсиз қолдирган. Бундан фойдаланган номаълум кимсалар тракторни ҳайдаб кетганлар.

Худди шундай ҳол Оҳангарон туманида яшовчи К. Ўрозов билан ҳам юз берди. Ҳайдовчи туманнинг Навоий номли жамоа хўжалигига қарашли бўлган Т-28х4 русумли давлат белгиси 23-12 ЕД тракторини уйи олдида эътиборсиз қолдирган. Натижада трактор номаълум шахслар томонидан олиб қочилган.

Бундай кўнгилсиз ҳоллар 1996 йилда ҳам содир этилмоқда. Шу йилнинг 10-январь куни Ангрен шаҳар Ёшлик кўчаси 5-уйда яшовчи Ф. Гайзапов Ангрен шаҳар АТСга қарашли ЛАЗ-697 русумли давлат белгиси 47-37 ТШР автобусини уйида қаровсиз қолдирган. Оқибатда автобус йўқолган.

Юқоричирчиқ тумани Мустақиллик кўчасида яшовчи Х. Йўлдошевнинг бегамлиги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги учун қимматга тушди. Ҳайдовчи шу жамоа хўжалигига қарашли МТЗ-80 русумли давлат белгиси 14-59 ЕК тракторини уйида қонунсиз сақлаб қаровсиз қолдирганлиги тўғрисида у номаълум кимсалар томонидан олиб қочилган.

Ушбу ҳолатлар бўйича жойлардаги ИИБ тергов бўлинмалари ходимлари томонидан жиноят ишлари қўзғатилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу жиноятларнинг баъзилари очилиб, айримларини аниқлаш мақсадида қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Шу тарздаги жиноятлар олдини олиш мақсадида ДАН нозирлари томонидан жойларда кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Корхона, муассасалар ва ташкилотларга қарашли бўлган транспорт воситалари ишдан ташқари вақтда махсус жиҳозланмаган жойларда сақланаётганлиги аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий баённома тузилмоқда.

Албатта, олиб борилаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Лекин, жиноятнинг очилишидан кўра, унинг олдини олиш зарур. Шундай экан, юқорида номлари тилга олинган ташкилот ва хўжалик раҳбарлари аввалроқ ўз ишларига масъулият билан ёндошиб транспорт воситаларининг махсус белгиланган жойларда сақланишини таъминлаганларида эди, бундай жиноятлар содир бўлмасди. Ахир кексаларимиз, ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма, деб бежиз айтмаганлар-ку!

К. ШАРИПОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ суриштирув ва қидирув бўлимининг катта нозири, милиция майори.

ЎЗБЕКИСТОН СПАРТАКИАДАСИ ПОЁНИГА ЕТДИ

СПАРТАКИАДА дастури асосида теннис беллашувлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 12 вилоят жамоалари куч синашишди. Қизлар баҳсида Ирина Ярикова, эркаклар баҳсида Антон Иванов, аёллар жуфтлигида опа-сингил Яриковалар, эркаклар жуфтлигида А. Сюлин ҳамда С. Мингазов, аралаш жуфтликда О. Тимофеева билан А. Маҳкамовлар чемпионликни қўлга киритишди. Жамоа ҳисобида Тошкент шаҳар теннисчилари 288 очко билан биринчи бўлишди. Самарқандликлар иккинчи, андижонликлар учинчи ўринни эгаллашди. Тошкент вилояти жамоаси имкониятидан паст даражада қатнашиб, еттинчи ўрин билан кифояланди.

Эрта баҳорда бошланган Ўзбекистон спартакиадаси мусобақалари спортнинг 32 тури бўйича ўтказилди. Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур спартакида мусобақаларининг қатор турлари бахслари вилоятларда бўлиб ўтди. Аввалгиларидагидек Тошкент шаҳар жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Андижон вилояти вакиллари иккинчи, самарқандликлар учинчи бўлишди.

— Кучли учликка кириш имконига эга эдик, — дейди Тошкент вилояти жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Ғофуров, — бироқ вилоятимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида тўртинчи бўлишди. Учинчи ўринни эгаллаган самарқандликлардан салгина орқада қолдик. Бир неча тур, жумладан, чим устида хоккей бўйича ғолибликни кўзлаган эдик. Бухорода ушбу спорт тури бўйича ўтказилган беллашувларда биринчи ўринни кўзлагандик. Лекин омадимиз келмади.



Кичкинтой — ширинтой.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ИККИ ҒОЛИБ МАЪЛУМ, ОМАДСИЗЛАРЧИ?

МАМЛАКАТ биринчилигининг биринчи табақа қатнашчилари яна уч турдан сўнг мавсумга якун ясашади. Ўтган дам олиш куни бўлган навбатдаги тур ўйинларидан сўнг келаси мавсумда олий табақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган икки ғолиб маълум бўлди. Гарчанд Навоийнинг «Зарафшон» ва Тошкентнинг «Чилонзор» футболчилари яқин рақибларидан анча ўзиб кетишган бўлса-да, назарий жиҳатдан улар йўлланмани дам олиш куни қўлга киритганликлари узилкесил маълум бўлди. Шундай қилиб, «Зарафшон» ва «Чилонзор» учун қолган ўйинлар «сариқ чақалик» ҳам қадрга эга бўлмаса, омадсиз жамоалар учун «ё қолиш, ё ўлиш»дек муҳим бўлиб, тақдирларини хал қилади.

Биринчи табақани тарк этадиган олти жамоанинг учтаси маълум. Булар «Ҳисор», «Диёр» ва «Ёшлик» жамоаларидир. Қолган уч жамоа эса яна уч турдан сўнг аниқланади. Бугунга келиб олтиетти жамоани ана шундай нохушлик кайфияти қамраб олган. Улар сафида вилоятимизнинг уч жамоаси — «Бўкалик», «Роҳат» ва «Ғазалкент» футболчилари ҳам бор. Тўғри, сўнгги турларда «Роҳат» кетма-кет икки ғалабага эришиб, бироз аҳволини яхшилади. «Ғазалкент» эса бир ўйинда ғолиб келди. Бироқ бу икки жамоанинг шунингдек «Бўкалик»нинг ҳам аҳволи танг. Бунинг устига «Роҳат» ҳам «Ғазалкент» ҳам якунловчи тур учрашувларини сафарда ўтказишади. Тўғри, уларнинг рақиблари «Орол», «Шўртон», «Норин», «Олтинкўл»нинг ҳам аҳволи яхши эмас. Бир сўз билан айтганда қуйи табақада жойлашган жамоалар учун қолган ўйинлардаги ҳар бир очко ниҳоятда муҳимдир. Шундай вазият юзага келиши мумкинки, пировард якунда бир эмас, бир неча жамоанинг очколари тенг келиб қолиши кутилмоқда. Ана шундай вазиятда эришилган ғалабалар, сўнгра ўзаро ҳисоб-китоб ва энг охирида тўплар нисбати масалани ҳал қилиши мумкин.

Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаб турган «Зарафшон»да 114, «Чилонзор»да 113 очко бор. Учинчи ўринда бораётган «Прогресс» жамоаси сафарда «Шўртон»дан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрагандан сўнг йўлланмага бўлган умиди узилди. «Прогресс» якунловчи учта ўйинда ғолиб келган тақдирда ҳам, жадвалда учинчи ўриндан кўтарила олмайди.

«Зарафшон» учун сўнгги ўйинлар омадсиз бўлди. Жамоа аввалига сафарда «Шўртонга» 0:2, сўнгра «Тегирмончи»га 0:1 ҳисобида ўйинни бой берди.

Якшанба куни бўлиб ўтган 51-тур ўйинларининг бошқа натижалари билан танишинг: «Ҳисор» — «Гулистон» — 2:3, «Роҳат» — «Металлург» — 5:1, «Кимёгар» — «Темирйўлчи» — 5:3, «Ғазалкент» — «Боғдодчи» — 4:0, «Динамо-Насаф» — «Диёр» — 2:0, «Навбаҳор-2» — «Чилонзор» — 1:3, «Ёшлик» — Истиқлол» — 1:9, «Норин» — «Бўкалик» — 1:1, «Ситора» — «Олтинкўл» — 1:0, «Орол» — «Шаҳрихон» — 3:0, «Гиламчи» — «Тўқимачи» — 4:1.

Яна ўн кундан сўнг поёнига етадиган биринчи табақа жамоаларининг қолган ўйинлари янада кескин ўтадиган, мухлислар эътиборини тортадиган ва сўнгги дақиқаларгача ўзига жалб этадиган кўринади.

Шароф АКБАРОВ.

ФУТБОЛ ВА ФУТБОЛЧИЛАР ҲАҚИДА

БРАЗИЛИЯ. Рио-Де-Жанейро суди қарорига биноан Руи Кастронинг қаламига мансуб машҳур футболчи Гарринча ҳаётига бағишланган «Ёрқин юлдуз» деб номланган китобнинг тақиқи бекор қилинди. Китоб Гарринча лақаби билан футбол оламида афсонавий қаҳрамонга айланган Мануэл Франсиско Дус Сантуснинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Унинг ўйинларидан завқланган одамлар Гарринчани «халқ қувончи» деб ҳам аташарди. Китоб 1995 йил октябрь ойининг охирларида сотувга чиқарилган, лекин бир ой ичида сотувдан олиб ташланган эди.

Судга мурожаат этган футболчининг ўн бир нафар қизи бунга сабаб бўлди. Улар ёзувчининг китобни нашр этишдан аввал футболчининг қариндошларидан рухсат олмаганини таъкидлашди. Мазкур асар 536 саҳифадан иборат бўлиб, ёзувчи уни икки йил ичида ёзиб тугатган. Китоб билан танишишга муваффақ бўлганларнинг фикрича, ушбу асарда Гарринчанинг янги дунёси очиб берилган ва буни ёзувчи жуда усталик билан ёрқин буёқларда чиза олган. Умуман китоб футбол юлдузини яқиндан билган 172 гувоҳнинг эсдаликларига таяниб ёзилган. Ноширларнинг сўз беришича, яқин кунлар ичида китоб яна дўконларга чиқарилади, буни бразилияликлар интизорлик билан кутишмоқда. Китобнинг илк нашри 45 минг нусхада чоп этилган эди. Бўлиб ўтган тортишувлардан кейин Руи Кастронинг бу асари қўлмақўл бўлиб кетиши аниқ.

* * *

ПАРИЖ. 1998 йили Францияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати финал учрашуви ташкилотчилари ушбу мусобақага рамз сифатида кўркам, келишган дакан хўроз тасвирини олишди. Ҳозирча даканга Галлик, Зимбо, Раффи, Упи ва Футикс номлари қўйилган. Бироқ, бу номлар ичидан биттаси танлаб олиниши керак. Халқаро футбол федерацияси раҳбарларининг фикрича, даканнинг номи бутун дунё халқларининг тилида осон ва соз талаффуз этилиши лозим. Номлар ичидан энг чиройлисини ўйин ишқибозларининг ўзлари танлаб олишади. Ҳар ҳолда французлар «Галлик» деган номни танлашса керак. Чунки бу ном французлар учун қадрдон бўлиб, «хўроз» деган маънони англатади.

* * *

ҚУВАЙТ. Валерий Лобановский Киевнинг «Динамо» футбол жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. У Қувайт Амирлиги футбол федерациясини уч йилдан буён бошқариб келаётган эди. Маҳаллий футбол жамоаси мураббийларидан Абдул Ҳамид Муҳаммаднинг таъкидлашича, иқтисодий етишмовчилик туфайли Лобановский томонидан режалаштирилган дастурнинг 25 фоизигина бажарилган, холос. Лекин шунга қарамасдан, Қувайтда футбол анча ривожланди. Бунга 1994 йилги Осиё ўйинида Лобановский раҳбарлигида Қувайт терма жамоаси бронза медалини қўлга киритгани мисол бўла олади. Ҳозир Қувайтда бошқа украин мутахассислари: Олег Базилевич, Владимир Веремеев ва Анатолий Азаренков фаолият кўрсатмоқда.

(ЎзА).

Шунақаси ҳам бўлади

САЁҲАТЧИ БУВИ

• ҚОЗОН шаҳрилик Амина бувининг 74 ёшида саёҳатчиликка берилиб кетди. У, аввало, уйини сотиб, сингилисиникига кўчиб ўтди. Уйининг пулини эса бир пайтлар ҳинд кинофильмларини кўриб жон-тани билан ёқтириб қолган Ҳиндистонга, кейинроқ эса Японияга бориб келишга сарфлади. Бу йил ёзда эса Нидерландияда, Францияда, Италия ва Германияда бўлди, ҳозир Амина бувининг АҚШга боришга тайёргарлик кўряпти.

Бувининг саёҳатга ўчлиги меросхўрларни уй-жойсиз қолдирди. Унинг ўзи эса пировардида қариялар уйига жойлашмоқчи. Тўғри, Амина бувининг Парижда бўлганида шу ердаги пансионатга жойлашишга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо рад жавобини олди. Энди унинг айтишича, АҚШга борганида шунга яна бир марта ҳаракат қилиб кўрмоқчи, бу ерда ҳам нияти амалга ошмаса, Яқин Шарқ мамлакатларига борганида уриниб кўрмоқчи эмиш.

ҚУВНОҚ БЎЛИНГ, УЗОҚ ЯШАЙСИЗ

• ҚОЗОҒИСТОННИНГ Кўкчетов вилоятидаги Лавровка қишлоғилик Бойхўжа Омонбоев 100 ёшга кирганлигини нишонлади. Аммо, табиатан қувноқ, ҳазилкаш Бойхўжа бобога ҳеч ким 70 дан ортиқ ёш бермайди. Бобо учинчи умр йўлдоши билан эллик йил яшади. Ўн фарзанди бор. Аммо, шуниси ҳайратланарлики, отахон тўқсон ёшга кирганидагина биринчи марта касалхона нималигини билди. У тузатиш учун уйининг томига чиққан эди, нимагадир чалғиб йиқилиб тушди ва оёғи лат еди. Ана ўшанда бобони касалхонага олиб келишганди. Оқсоқол умр бўйи қишлоқда яшаб, молбоқарлик қилди. Ҳозир ҳам шу касбини давом эттиряпти.

БАМБУКДАН ГАЗЛАМА

• ПАПУАСЛАРГА мазза, бир тутам ўтни боғласа, кийим ўрнига ўтаверади. Аммо, баъзи корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўриб, ҳозир ҳам уларнинг йўлидан бормаяпмизмикин, деган ўйга бериласан киши. Хитойнинг Сичуан вилоятидаги фабрикалардан бирида бамбук толасидан тўқилган газламадан кийим тикилмоқда. Бу газлама бир қарашда ипакка ўхшайди. Янги кийимлик фақат хитой савдогарларинигина эмас, чет элликларни ҳам қизиқтириб қўйди. Ахир бамбук ҳам аслида ўт-да. Шундай бўлса-да, бу газлама ғоят пишиқлиги билан ажралиб туради.

Республика ИИВ раҳбарияти, ҳайъати ва шахсий таркиби Янгийўл шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция полковниги **Акобир ҚОСИМОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сирғали туманидаги «ДЎСТ-ДЕҲҚОН» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 76-60-85 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Чилонзор туманидаги масъулияти чекланган «Таваккал-Дўстим» жамияти **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Сирғали туманидаги «АБДУВАКИЛ ОТА» жамоа корхонасининг йўқолган **ДУМАЛОҚ МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

АКОБИР АНВАРОВИЧ ҚОСИМОВ

Бешафқат ўлим ажойиб инсон, зукко қалб эгаси, дўстларга меҳрибон, тартиббузарларга шафқатсиз бўлган ҳамкасбимиз Акобир Анварович Қосимовни айни кучга тўлиб-тошган пайтда орамиздан олиб кетди.

Акобир Анварович ўз ҳаётини халқ осойишталиги йўлига бағишлаган ҳақиқий инсонлардан бири эди.

Акобир Анварович ўз меҳнат фаолиятини 1973 йилда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида оддий ходимликдан бошлаб, давлат мулкини талон-торож қилишга қарши кураш бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимига кўтарилгач, Зангиота туман ички ишлар бўлимига раҳбарлик қила бошлади. У ўзига ишониб топширилган вазифада ҳалол ва фидокорона меҳнат қилди. Қийин ва мураккаб шароитларда тўғри ва аниқ хулосалар чиқара олиши билан ўз ходимларига ҳамиша ибрат бўлиб келди.

Акобир Анварович бир неча йиллдан буён Янгийўл шаҳар ички ишлар бошқармасида осойишталик постбонлари раҳбари сифатида жиноятчиликка қарши курашда фаоллик кўрсатди.

Тиним билмас Акобир Қосимов ички ишлар идораларида салкам 30 йил ҳалол меҳнат қилиб, ҳаётда ёрқин из қолдирди. Буни биз — унинг ҳамкасблари ҳеч қачон унутмаймиз. У бошлаган эзгу ишларни давом эттирамиз. Дўстимизнинг ёрқин хотираси ҳамиша қалбларимизда сақланади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИИБ РАҲБАРИЯТИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБИ.

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0630. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8500 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6